# АНКЕ ФОН КЮГЕЛЬГЕН АСАРЛАРИДА НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ ҲАҚИДА

**Мурадов Санжар Аслонович**

Бухоро давлат техника университети доценти.

***https://doi.org/10.5281/zenodo.15312401***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада нақшбандия тариқати шўъбаларидан бири нақшбандия-мужаддидия тариқатини олмон файласуфи Анке Фон Кюгельген томонидан ўрганилишига бағишланган маълумотлар берилган. Муаллиф ушбу мақолада олмон файласуфининг тасаввуфга бағишланган асарини тадқиқ этган.*

***Калит:*** *Тасаввуф, ирфон, шуҳуд, вужуд.*

# ON THE NAKSHBANDIYA-MJADDIDIYA ORDER IN THE WORKS OF ANKE VON KÜGELGEN

***Abstract.*** *This article provides information on the study of the Naqshbandi-Mujaddidiya order, one of the branches of the Naqshbandiyya order, by the German philosopher Anke Von Kügelgen. In this article, the author has studied the work of the German philosopher on Sufism.*

***Keywords:*** *Sufism, irfan, shuhud, wujud.*

# ОБ ОРДЕНЕ НАКШБАНДИ-МДЖАДДИДИ В ТВОРЧЕСТВАХ АНКЕ ФОН КЮГЕЛЬГЕНА

***Аннотация.*** *В этой статье представлена информация об исследовании одной из ветвей секты накшбандия, секты накшбандия-муджаддидия, немецким философом Анке фон кюгельгеном. В этой статье автор исследовал работу немецкого философа, посвященную мистицизму.*

***Ключевые слова:*** *Суфизм, мистицизм, шухуд, вужуд.*

Нақшбандия-мужаддидия-хожагон-нақшбандия тариқатининг тармоқларидан бири бўлиб, ушбу силсила сахоба Абу Бакр Сиддиқга бориб тақалади. Ушбу тариқат Марказий Осиёга XVII–XVIII асрларда кириб келган ҳамда XVIII аср ўрталарида бу ерда асосий тариқат йўналиши сифатида ҳукмронлик қилган.

Ушбу тариқат асосчиси Ҳиндистонда нақшбандийлик тариқати ҳонақосини очган Хожа Муҳаммад Боқий-биллоҳ (ваф. 1603 й)нинг шогирди Ахмад Сирхинди (Имом Раббоний, ваф. 1624 й) ҳисобланади. Ўзининг устозидан фарқли ўлароқ Имом Раббоний нақшбандийлик таълимотига ўзгача тус берди. У Ибн Арабий (ваф.1240 й) таълимотига табақалаштирилган танқидни ишлаб чиқди ҳамда Аллоҳни билишнинг юқори даражаси сифатида “Ваҳдат ул-вужуд” (“Борлиқ бирлиги”) ўрнига “Ваҳдат ул-шуҳуд” (“Шоҳидлик бирлиги”) таълимотини яратди. Аҳмад Сирхинди диний ҳаётда турли хилдаги “қабул

қилинмайдиган янгилик” (бидъат)ларни, жумладан, рақс ва қўшиқ айтиш билан олиб бориладиган диний маросимларни рад этди ҳамда шариатни барча ҳаракатлар учун йўналтирувчи ягона чизиқ, тариқатни эса мукаммаллик сари қадам қўядиган кишига ёрдам бмужаддеручи шариатнинг таянчи сифатида тушунтириб берди. Аҳмад Сирҳинди ўзидан олдин ўтган мутасаввифлардан фарқли ўлароқ шариатни нафақат махсус буйруқлар орқали балки ундаги ички ҳақиқатлар нуқтаи назардан изоқлайди. Тарғибот тарзда баён қилинган рисола ва мактуботларида ҳамда Бобурийлар империяси сиёсий элитасига тақдим этган ушбу қараши, Аҳмад Сирҳиндийга “Иккинчи мингйилликнинг (ҳижрий) мужаддиди (янгиловчиси)” деган нуфузли тахаллус олишага сабаб бўлди (“*мужаддиди алфи соний”*).

Ахмад Сирҳинди ўз ғояларининг тарғиботини сермахсул шаклда олиб борди. Ҳиндистоннинг турли вилоятларидан бўлган кўп сонли шогирдларини таълим олганидан сўнг таълимоти ҳамда тариқат тизимини ёйиш мақсадида ўз манзилларига, баъзи ҳолларда Эрон ва Афғонистон шаҳарларига юборади. Бу ҳпракатлар натижасида жуда эрта яъни XVII асрнинг биринчи ярмида нақшбандия-мужаддидия тарафдорлари Ҳижозда пайдо бўлди.

Марказий Осиёга нақшбандия-мужаддидия Ҳиндистон ва Ҳижозда ушбу тариқатга кирган марказий осиёлик мусулмонлар томомонидан келиб қолади. Тадқиқотларда кўрсатилишича, Марказий Осиёда шаклланган нақшбандия-мужаддидия тариқатининг ўзаро муроса қилмаган 3 хил йўналиши мавжуд бўлган.

1. Хожа Ҳабибуллох (Хисорий) Бухорий (ваф.1700 й) Шайх Эшонхожа номи билан машҳур бўлиб, Аҳмад Сирхиндийнинг ўғли Муҳаммад Маъсум томонидан тариқатга киритилган ҳамда унинг “ўринбосар”и сифатида Бухорога юборилган. Шайхнинг баъзи тарафдорлари уни “бошланаётган ўн иккинчи юзлик мужаддиди (янгиловчиси)” ҳамда Бухорода биринчи бўлиб нақшбандия-мужаддидияни ёйган ва Бухорода нақшбандия тариқати (Бухорода илк бор пайдо бўлган) занжири қайтишига сабабчи бўлган валий сифатида эътироф этишади. Унинг энг машҳур муриди Сўфи Оллоёр Қаттарқўрғоний (ваф. 1720 йил) ҳисобланади. Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ул-муттақин” ва “Сабот ул-ожизин” асарлари қейинги давр учун нақшбандия тариқати манбалари сифатида кўпроқ ўқилган. Хожа Хабибуллох Бухорий йўналиши Бухоро билан бирга Хоразмда ҳам кенг тарқалган. Хоразмда ушбу йўналишга кирган икки шайх яъни Шайх Сафар (в. 1785 йил) ва Халифа Ниёзқули (в. 1820 йил) кейинчалик Бухорода ўз хонақоларига асос солишди ҳамда Марказий Осиё ва Волга-Урал ҳудудларидан келган муридларни тариқатга киритишди. Шайх Сафар даврида нақшбандия-мужаддидия мамлакатнинг сиёсий раҳбарларига таъсир қилган. Манғит ҳукмдори Шохмурод даврида (1785-1800 йй)

нақшбандия-мужаддидия Бухоро амирлигида ҳукмрон тариқатга айланди. Шохмурод ўғли ва меросхўри Амир Ҳайдар (17800-1826)дар фарқли ўлароқ хуфий зикр қиладиган нақшбандия-мужаддидия шайхларини рағбатлантирган ҳамда мусиқа шакллари орқали ўтказиладиган маросимларни ман қилган.

2. Хожа Мусохон Дахбедий (в. 1776 й. )ни унинг давомчиси ва тарихчи олим Хумилий “мусавия-нақшбандия-мужаддидия силсиласи сохиби” деб эътироф этади. Хожа Мусохон Дахбедий Самарқанд яқинидаги Дахбид қишлоғида истиқомат қилган. Хожа Мусохон Дахбедий нақшбандия-мужаддидия тариқатига Ҳиндистонда қилган сафари давомида Мирзо Мазхаржон Жонон (в.1781 й) устози бўлган Муҳаммад Обид (в. 1747 й) томонидан киритилган. Мусохон Дахбеди шариатга асосланиб зикру хуфияни (овоз чиқармасдан зикр қилиш) амалга ошириб, сиёсий фаоллик кўрсатмаган бўлса-да, унинг издошлари аксинча зикру жахрия(овоз чиқариб зикр қилиш) ва самани ёқлаб чиқишди. Улар кўпчилиги Манғитлар душманларини қўллаб қувватлашди ва фақат Муҳаммад Амин (в. 1811 й) олдин ҳукмрон сулолага нисбатан мухолиф бўлса-да, кейинчалик Амир Ҳайдарнинг маънавий устози бўлди.

3. Нақшбандия-мужаддидия Марказий Осиёга Ахмад Сирхиндий билан қариндошлик муносабатида бўлган ҳинд сўфий муршидлари яъни Сохибзодалар орқали тарқалган. Улар Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида ўрнашиб олишган ҳамда Сибиргача бўлган кўп сонли муридларга эга бўлган. Миён Фадл Ахмад (в.1815 й) ва унинг “ўринбосарлари” Бухоро ва Мавороуннахрнинг бошқа вилоятларида, айниқса, сохибзодалар Қўқонда машхур бўлишган. Сохибзодаларнинг баъзилари Бухоро, Қўқон ҳукмдорларининг маслаҳатчилари бўлишган, ҳатто Миён Мухаммад-Халил XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигининг Петербургдаги элчиси вазифасида фаолият олиб борган.

Нақшбандия мужаддидиянинг юқоридаги учта йўналиши ташкилий тузилиши ҳозиргача ноаниқ. Мусохон Дахбидий нақшбандийлик тариқати анъаналарига содиқ қолиб ўзининг тўртта муридини “ўринбосар” қилиб, улар ўз навбатида (фақат биртасидан ташқари) кетма-кет Дехбедий хонақосида ўринбосар сифатида фаолият олиб боришди. Бундан ташқари муридларга муайян мусулмон шаҳар ва қишлоқларида тарғибот қилишга рухсат берди. Хабибуллох йўналиши муршидлари “ўринбосалар” сифатида хонақоларига кераклигисидан ҳам кўпроқ муридлар тайёрлашди ва бундан ташқари тасаввуф йўлининг биринчи даражасини ўргатадиган кўп сонли муридларни тарбиялашди.

Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддидия умумий ташкилий тузилмага эга бўлмаган. Турли йўналишда бўлган шайхлар учта хонлик ҳудудида мустақил фаолият олиб боришган, шу билан бирга Шарқий Туркистон ва Афғонистон ҳудудларида ҳам бир ёки бир неча укув даргохларига (хонақо, мадраса) эга бўлишган.

Муршидлар, уларнинг ўринбосарлари ва муридлари орасида алоқалар бўлган. Ҳар бир шайх “қутб” ҳисобланган ва бу борада (Сирхиндий давридан бошлаб) тариқатда катта миқдорда “қутблар” (“ақтоб”) шаклланган. Демак, Марказий Осиёда нақшбандия-мужаддидия кўпгина агиографик манбаларда кўрсатилгани каби бирчизиқли йўл билан эмас, балки кўпчизиқли йўл билан тараққий этган.

Нақшбандия-мужаддидиянинг ушбу чизиқлари махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Миён Фадл Ахмад ва Мусохон Дахбиди асарларидан ташқари ўша даврдаги бошқа манбалар билан танишганда шундай хулоса қилиш мумкинки, ушбу манбаларда нақшбандийликнинг илк вакиллари бўлган Б. Нақшбанд (в.1389 й), Убайдуллох Ахрор (в. 1490 й), Абдурахмон Жомий (в.1492 й), Фахриддин Али Кошифий (в.1532 й) ғоялари Сирхиндий ғояларига нисбатан кўпроқ эътироф этилган. Ҳатто Миён Фадл Ахмад Сирхийдий таълимотига бегона бўлган нафсни латиф сифатида тан олишни гапириб ўтган. Бироқ шуни таъкидлаш кераккი, Сирхиндийнинг “Ваҳдат ул-шухуд” таълимоти тарафдорлари Марказий Осиёда сони кўп бўлган. Бу ҳақда Хабибуллоҳ издошлари асарларида таъкидланган, “Вахдат ул-вужуд” эмас, балки қалбдан тараннум бўлувчи итоат қилиш ва унга эргашиш олий “даража” эканлиги гувохлик беради. Лекин шу билан бирган улар Ибн Арабий ҳақида салбий фикр билдиришмаган.

Улар асарларининг бош мавзуси ахлоқий қоидалар ва шариатнинг диний-теологик қирралари, мурид ва муршид ўртасидаги муносабатлар (“ақлий муштараклик” ёки “қалб мулоқоти” (“таважжуҳ”)) ва бир қатор тасаввуфнинг техник методлари, айниқса зикр ва у орқали фаол бўладиган латоифлар, нафас техникаси “нафс ва исбот”, Аллоҳ билан мулоқотдаги ибодатлар (“аврод”) ва қўшимча ибодатлар (“навафил”), айниқса тахажжуд.

Нақшбандия-мужаддидиянинг Марказий Осиё манбаларининг қирралари кенг. Таълимотнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган асарлардан ташқари мактублар мажмуаси, муршидлар сўзларидан иборат тўпламлар, агиографик манбалар мавжуд. Агиографик манбаларда масалан Лутфуллох (Худойберди Эшон Ғиждувоний в. 1841 й) агиографиясида маълумотлар тизимлашганини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари аралаш жанрда ёзилган асарлар мавжуд, бир асар ичида автобиографик, замонавий биографик ва тарихий асарлар ичида мусулмонлар мажбурияти ва тасаввуфнинг техний методлари ҳақида маълумот бор.

XIX асрда ҳам нақшбандия-мужаддидия тарафдорлари фаолият олиб боришган, ҳатто жадидлардан бўлган Ахмад Дониш ушбу таълимотга мойил бўлган. Собиқ шўро парчалангандан сўнг Мамлактимизда нақшбандия-мужаддидия вакиллари айниқса Мусохон Дахбедий шогирди бўлган силсила давомчиси Мухаммад Хусайн асос солган мужаддидия-хусайния тарафдорлари бўлган.

**REFERENCES**

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. - Toshkent. O‘zbekiston, 2021. – B. 199.
2. Decree No. PF-158 on the "Strategy of Uzbekistan - 2030". .2023.
3. Mirziyoyev Sh.M.. Strategy of the New Uzbekistan. - Tashkent. Uzbekistan. 2021.
4. Sultanova, L. (2021). The historical roots of spiritual education of youth. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(3), 461-463.
5. Султонова, Л. С. (2023). ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ УЗВИЙЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, *5*(NUU Conference 2), 633-639.
6. Sultonova, L. (2023). Upbringing Mature Person. *Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture*, *4*(3), 71-73.
7. Султанова, Л. С. (2023). ТОЛЕРАНТНОСТЬ В ВОСПИТАНИИ ПОДРОСТОЯЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ. *Innovative Development in Educational Activities*, *2*(7), 557-564.
8. Султонова, Л. С. (2022). МЕСТО ИНЖЕНЕРНОЙ ПЕДАГОГИКИ В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ ИНЖЕНЕРОВ. *YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, *1*(6), 29-34.
9. Sultonova, L. S. D. (2023). MAFKURAVIY TARBIYANING DOLZARB VAZIFALARI. *SCHOLAR*, *1*(28), 79-96.
10. Султонова, ЛСД (2023). ОСОБЕННОСТИ РАБОТЫ С МОЛОДЕЖЬЮ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ. *Образовательные исследования в области универсальных наук* , *2* (8), 238-252.
11. Азимов, А. А. (2022). Философско-этические взгляды Закария ар Рази. *Актуальные исследования*, (20 (99)), 26-28.
12. Abdullaevich, A. A. (2024). ETHICAL AND PHILOSOPHICAL VIEWS IN RUDAKIY'S HERITAGE. *JOURNAL OF INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH*, *1*(3), 36-52.
13. Азимов, А. А., & Хикматов, А. Д. (2024). ЖИЗНЬ И ТВОРЧЕСТВО ВЕЛИКОГО ПОЭТА ГЛАЗАМИ СРЕДНЕАЗИАСКИХ УЧЁНЫХ. *MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS*, *1*(2), 366-375.
14. Азимов, А. А. (2023). ВЗГЛЯДЫ РУДАКИ О ВОСПИТАНИИ ЧЕЛОВЕКА. *Innovative Development in Educational Activities*, *2*(7), 515-523.
15. Azimov, A. A. (2023). RUDAKI’S VIEWS ON LIFE IN THE POEM SINBADNAME. *SCHOLAR*, *1*(28), 97-112.

16. Azimov, A. A. (2023). RUDAKI'S PHILOSOPHICAL VIEWS IN HIS WORKS. *Educational Research in Universal Sciences*, *2*(8), 214-228.
17. Abdullayevich, A. A. (2023). SCIENCE, LITERATURE AND POETRY IN TRANSOXIANA AND KHORASAN IX-X CENTURIES. *PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS*, *255*.
18. Azimov, A. A., & Avliyokulov, U. M. (2019). СОЦИАЛЬНО-ЭСТЕТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ЭПОХИ АБУ АБДУЛЛАХ РУДАКИ. *Theoretical & Applied Science*, (5), 560-562.
19. Азимов, А. А., & Темиров, Ш. Т. (2016). КУЛЬТУРНАЯ И АРХИТЕКТУРНАЯ ВЗАИМОВЛИЯНИЯ ВОСТОКА И ВОСТОЧНОЙ ЕВРОПЫ С БУХАРОЙ. In *Современные тенденции развития науки и производства* (pp. 33-34).
20. Азимов, А. А. ўғли Рўзиев, АШ (2022, December). ОСОБЕННОСТИ КНИГИ АВЕСТА. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS* (Vol. 1, No. 7, pp. 37-42).
21. Salokhov, A. K. (2024). THE YOUNG PEOPLE ARE FORMED, THE ENLIGHTENED-INFORMATORS OF BUKHO USE YOUR IMAGINATION STYLE BASICS. *JOURNAL OF SCIENCE, RESEARCH AND TEACHING*, *3*(4), 16-19.
22. Salokhov, A., & Qamariddinova, G. A. (2023). Socio-philosophical and pedagogical basis of the concept of tolerance. *Educational Research in Universal Sciences*, *2*(8), 200-213.
23. Salokhov, A., & Qamariddinova, G. A. (2023). Socio-philosophical and pedagogical basis of the concept of tolerance. *Educational Research in Universal Sciences*, *2*(8), 200-213.
24. Saloxov, A. Q. (2024). Yoshlarni tolerantlik ruhida tarbiyalashda ahmad donishning ta'lim-tarbiyaga oid qarashlari tahlili. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, *2*(3).
25. Мурадов, С. А. Современные методы философии и их значение в развитии мышления человека. *Актуальные исследования*, *51*(17), 273-276.
26. Муродов, С. А. (2009). Ибн Сино, Аттор ва Навоий асарларида кушлар тимсоли. *Имом ал-Бухорий сабоқлари», Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. Тошкент*, 273-276.
27. Мурадов, С. А. кизи Касимова, ФФ (2022, December). ФИЛОСОФИЯ ДИЗАЙНА: ОСОБЕННОСТИ И СУЩНОСТЬ. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS* (Vol. 1, No. 7, pp. 51-59).
28. Санжар, М. (2020). Взгляды Фаридуддина Аттара на бытие. *Международный журнал прикладных исследований. ИДЖАР*, *6*(6), 34-36.

29. МУРАДОВ, С. А. СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ФАРИДУДДИНА АТТОРА. *МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ Учредители: ООО" Издательство Молодой ученый*, *51*, 529-531.
30. Мурадов, С. А. (2023). ФАРИДУДДИН АТТОР-ВЕЛИКИЙ ШЕЙХ ВОСТОКА. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 2, No. 15, pp. 149-160).
31. Muradov, S. A. (2023). THE MAIN IDEAS OF THE FOUNDER OF THE GERMAN SCHOOL OF PHILOSOPHY. *Innovative Development in Educational Activities*, *2*(7), 588-594.
32. Sanjar, M. (2020). The views of Fariduddin Attar on being. *International journal of applied research. IJAR*, *6*(6), 34-36.
33. Sanjar, M. One of the Factors of Purity of the Heart is Futuwwat. *International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, 98-101.
34. Murodov, S. A. (2022). Relationship between the universe and man in the works of Fariduddin Attor. In *International conference: problems and scientific solutions* (Vol. 1, No. 6, pp. 35-41).
35. Shukrullayev, Y. A., & Bahritdinovna, S. R. (2023). GERMANIYA FEDERATIV RESPUBLIKASI IQTISODIYOTINI TIKLASH HARAKATI. "IQTISODIY MO'JIZA". *Innovative Development in Educational Activities*, *2*(7), 577-587.
36. Shukrullayev, Y. A. (2022). FRANSIYA–O 'ZBEKISTON ALOQALARINING TARIXIY ILDIZLARI. *Educational Research in Universal Sciences*, *1*(3), 110-113.
37. Шукруллаев, Ю. А. Армия Бухарского эмирата и военное дело (1756-1920 гг.). Автореферат кандидатской диссертации по истории.-Ташкент, 2006.-26 с.; К вопросу о дипломатических сношениях между Россией и Бухарой через Оренбург в конце XVIII-начале XIX веков. *Общественные науки в Узбекистане.-1962*, *7*, 55-59.
38. Шукриллаев, Ю. А. (2006). Бухоро амирлигида ќўшин ва њарбий иш (1756-1920 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий дражасини олиш учун езилган диссертация.-Тошкент, 2006.
39. Шукуриллаев, Ю. (2023). ВОЕННЫЕ РЕФОРМЫ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ ПОД ПРОТЕКТОРАТОМ. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, *2*(16), 249-260.
40. Шукуриллаев, Ю. А. (2023). БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚЎШИН ТАРКИБИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ, АСКАРЛАРНИНГ ҚЎШИН ТАРКИБИДАН ҚОЧИШИ (ДЕЗЕРТИРСВО), САБАБИ ВА ОҚИБАТЛАРИ. *Innovative Development in Educational Activities*, *2*(8), 513-524.

41. Шукуриллаев, Ю. (2022, December). СОЗДАНИЕ ВОЕННЫХ УСТАВНЫХ ГРУПП ЕВРОПЕЙСКОГО ТИПА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 4, pp. 42-51).
42. Гаффоров, А. Х., & Алимова, М. М. (2016). Перспективы использования технологии сотрудничества в процессе подготовки педагога профессионального образования. Молодой ученый, (12), 839-841.
43. Гаффоров, А. Х., & Алимова, М. М. (2016). Психологические основы педагогического проектирования. Молодой ученый, (12), 837-839.
44. Гаффоров, А. Х., & Алимова, М. М. (2015). Социально-психологические факторы формирования модели педагога в современном образовательном процессе. Молодой ученый, (2), 504-506.
45. Алимова, М. М. (2023). «РАСКРЕПОЩЕНИЕ» ЖЕНЩИН В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ (1920-1930 г. г). Innovative Development in Educational Activities, 2(8), 535-541.
46. Алимова, М. М., & Гариев, А. (2023). ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КОРРУПЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 2(24), 261-270
47. Хайтматова, Н., & Алимова, М. (2023). Вопросы равенства, прав и свобод женщин в Узбекистане. Научные работы одарённой молодёжи и медицина XXI века, 1(1), 369-369.
48. Алимова, М. М. (2023). ИСТОРИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И РАЗВИТИЯ МЕДИЦИНЫ В УЗБЕКИСТАНЕ. SCHOLAR, 1(28), 113-129
49. Алимова, М. М. (2023). РОЛЬ ГРАЖДАНСКИХ ИНСТИТУТОВ В ФОРМИРОВАНИИ НЕТЕРПИМОСТИ КОРРУПЦИИ У ГРАЖДАН УЗБЕКИСТАНА. Educational Research in Universal Sciences, 2(8), 253-264.
50. Алимова, М. М., & Абдусаттаров, С. Ш. (2020). ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЁЖИ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА-ОДИН ИЗ ВАЖНЫХ ФАКТОРОВ РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ. In ВОСПИТАТЕЛЬНЫЙ ПРОЦЕСС В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА (pp. 13-16
51. Вахидова, М. Т. (2022). ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ. *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE, 1*(7), 82-90.
52. Вахидова, М. Т., & Мирзаев, У. Т. (2022, December). ФОРМИРОВАНИЕ КУЛЬТУРЫ ТОЛЕРАНТНОСТИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ.

In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 4, pp. 52-62).

53. Vohidova, M. (2023). SOCIAL AND ETHICAL ASPECTS OF THE EXISTENCE OF TOLERANCE IN YOUNG PEOPLE. *Innovative Development in Educational Activities*, *2*(6), 559-566.
54. Khalilovich, Z. E., & Orifovich, D. G. (2020). ANALYSIS OF THE TEACHINGS OF MAHDUMI AZAM AND CLASSIFICATION OF PAMPHLETS. International Engineering Journal For Research & Development, 5(4), 4-4.
55. Zoirov, E. H. (2021). Questions of ontology of nature in the teachings of mahdumi azam. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(5), 91-94.
56. Зоиров, Э. Х. (2022). Ориф Ревгарий-второй пир Бухоро-и-шариф. АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Учредители: ООО" Агентство перспективных научных исследований", (50), 48-51.
57. Зоиров, Э. Х. (2022, December). ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМИ АЪЗАМА. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION" (Vol. 1, No. 4, pp. 121-131).
58. Наврўзова, Г., & Зоиров, Э. (2018). Бухорои Шарифнинг етти пири. Тошкент: Мухаррир, 80.
59. ЗОИРОВ, Э. Х. НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ МАХДУМИ АЪЗАМА. АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Учредители: ООО" Агентство перспективных научных исследований, 20, 29-32.
60. Зоиров, Э. Х. (2021). Вопросы онтологии природы в учении Махдуми Азама. Академия: международный междисциплинарный исследовательский журнал, 11(5), 91.
61. Наврўзова, Г., Зоиров, Э. Х., & Юнусова, Г. (2006). Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 56.
62. Зоиров, Э. (2015). Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий сиёсий қарашлари. Т. Turon zamin ziyo.
63. ЗОИРОВ, Э. Х. История, археология, религиоведение. АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, 48.
64. Наврўзова, Г. Н. (2007). Нақшбандия-камолот йўли. Тошкент:“Фан, 189.
65. Наврўзова, Г. Н. (2021). Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. Т.: Фан, 244.
66. Наврўзова, Г. Н. (2009). Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 174.

67. Navruzova, G. (2020). Bahauddin Naqshband-the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islamic thinking. Scientific-educational, religious-cultural, information publication magazine. Tashkent. Special issue, 5-8.
68. Shodiev, J. J. (2020). Interpretation of moral facts in the opinions of Umar Khayyam. International engineering journal for research & development.-India, 5(3), 143-148.
69. Шодиев, Ж. Ж. Interpretation of the image of may in the ruba of Umar Khayyam. Monografia pokonferencyjna science, research, development, 33, 2020-30.
70. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайём фалсафий қарашларида инсон тақдири ва эркин ирода масаласи. Наманган давлат университети Илмий ахборотномаси, 2, 197-204.
71. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайёмнинг асосий асарлари ва рубоийларининг тузилиши, мазмуни ва таҳлили. Илм Сарчашмалари.-Урганч, 10, 44-47.
72. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Наманган давлат университети Илмий ахборотномаси, 9, 206-210.
73. Шодиев, Ж. Ж. (2020). Умар Хайёмнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. Фалсафа ва ҳуқуқ.–Тошкент, 3, 107-110.
74. Shodiev, J. (2021). The problem of knowledge in the philosophical views of Umar Khayyam. Imam al-Bukhari IBS Journal, 2.
75. Шодиев, Ж. (2022). Илк уйғониш даврида–комил инсонни шакллантириш ватарбиялашда тасаввуф таълимотининг ўрни. Scientific Bullettin of NamSU-Научный вестник НамГУ-NamDU ilmiy axborotnomasi–2022-yil_4-сон, 229.
76. Шодиев, Ж. Ж. Мамлакатимизда инсон қадрини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. Қарду хабарлари. Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар).
77. Shodiev, J. J. (2020). INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF UMAR KHAYYAM RUBAYA. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(9), 206-211.
78. Murtazoevich, B. F. (2019). Sustainable development goals and synergies of world politics. European science review, 1(1-2), 59-61.
79. БАФОЕВ, Ф. М. (2022). К вопросу о динамике современных международных отношений. АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Учредители: ООО" Агентство перспективных научных исследований", (20), 35-37.
80. Бафоев, Ф. М. (2022, November). Статистические данные как индикатор эффективной реализации целей устойчивого развития (ЦУР). In INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS. (Vol. 1, No. 6, pp. 42-50).

81. Бафоев, Ф. (2012). К вопросу об эволюционном принципе строительства нового общества в независимом Узбекистане. Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество, 9(1), 54-55.
82. Feruz, B. (2015). Mid-term stimuli, basic principles, and readjustments: America in Central Asia. Central Asia and the Caucasus, 16(2), 26-35.
83. БАФОЕВ, Ф. М. К вопросу корректировки определения понятия «мировая политика» в контексте синергетики. Актуальные исследования, 31.
84. Бафоев, Ф. М. (2021). Современные тенденции мировой политики в контексте Коммюнике саммита G7 в Карбис Бэй (2021). Актуальные исследования, (47 (74)), 47-49.
85. Бафоев, Ф. (2025). ГЕОПОЛИТИКА И СИНЕРГЕТИЧЕСКАЯ ПАРАДИГМА. Modern Science and Research, 4(3), 1499-1503.
86. BAFOEV, F. (2019). Liberal Islam In The Contemporary World: New Landmarks Of Trump's Administration. Central Asia & the Caucasus (14046091), 20(2).
87. БАФОЕВ, Ф. М. Энергетическая дипломатия нового Узбекистана: о новых подходах в условиях меняющихся геополитических реалий. АКТУАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, 66.